

Меросимиз

«АЛПОМИШ»НИНГ ФАРҒОНА НУСХАСИ



ЮНЕСКО ҳомийлигида нишонланган машҳур достоннинг улуғ тўйига Фарғона вилоятидаги маданий муассасалар, адабий жамоалар, қолаверса, мутахассислар, халқ оғзаки ижоди ихлосмандлари ҳам нухта тайёргарлик кўришмоқда. Адабиёт музейлари, Шарқ кўлемлари сақланаётган кутубхоналари достоннинг воқеаларида тасвирланган нусхаларни ўрганишди. Мухбиримиз Қўқон давлат педагогика институтининг доценти, филология фанлари номзоиди Иброҳимжон БЕКМУРОДОВ билан достоннинг Фарғона нусхаси ҳақида суҳбатлашди.

«Алпомиш» эпоси ҳамма туркий миллатлар оғзаки бадий ижодида машҳур бўлиб келаётган сеvimли достондир. Ўзбекистонда достоннинг уч версия ва ўттиз тўрт варианты ёзиб олинган. Улардан Фарғона версияси қадимги Самарқанд ва Қорақалпоқ версияларига нисбатан кейинги, яъни X-XI асрларда қайта шаклланиб ва республикамизда кенг тарқалган нусхалардир.

Самарқанд версиясининг 28 та варианты бўлиб, улардан энг мукаммили Фозил шоир Йўлдош ўғлидан фольклоршунос Махмуд Зарипов томонидан ёзиб олинган нусхадир.

Фарғона версияси ҳам кенг тарқалган қадимий нусха, уни адабиётшунос олим

Юсуф Султон 1937 йили Уч-қўприк тумани Қумариқ қишлоғида Бўри бахши Солиқ ўғлидан (1886-1954) ёзиб олган. Бўри бахши бу достонни, ақаси Жура шоирдан, Жура шоир отаси Солиқ шоирдан, Солиқ шоир Амир Умархон (1810-1822) даврида «машҳур замон» бўлган шоир Қулай бахшидан ўрганган. Қулай бахши Қумариққа яқин бўлган Гўл қишлоғида яшаб ўтган.

Достоншуносликда «версия» ва «вариант» сузлари ўзига хос алоҳида-алоҳида мазмун касб этади. Бир мавзудagi достоннинг композицион ва гоvий-бадий тасвир воситалари жиҳатдан кескин фарқ қилувчи нусхалари бир-бирига нисбатан «версия» ҳисобланади. Бир версия таркибидagi достонларнинг композицияси, гоvаси ва эпик воқелик бадиий жиҳатидан бир-бирдан кам фарқ қилувчи нусхалари бир-бирига нисбатан «вариант»дир. Бир версияга кирувчи барча вариантлар муайян анъана доирасида бўлса, версиялар эса бошқа-бошқа анъаналарга асосланган бўлади.

«Алпомиш» достонининг кенг тарқалган версиясида кўнгирот уруғининг биллари — ака-ука Бойбўри ва Бойсарининг фарзандчилиги, уларнинг оила бутунлиги учун куралиши, бўлажак қаҳрамоннинг илоҳий куч ёрдамида туғилиши, унинг баҳодирона ёшлиги ва етти ёшида паҳлавонлик кўрсатиши, қалмоқ алплари билан ёнма-ён туриб,

Барчин шартларини бажариши, етти йиллик тутқундан кейин севикли ёрининг рақибни билан бўлаётган мажбурий тўйи устига келиши, олишувда зуравонлиги енгилб, ёри ва ўз ҳокимиятига эга бўлиши воқеалари тасвирланади.

Достоннинг Бўри бахши куйлаган Фарғона версиясида унинг биринчи қисми, яъни Алпомишнинг ном чиқариши ва Барчинга уйланиши билан боғлиқ лавҳалар ёзиб олинмаган. Бу лавҳалар 1982 йили Учқўприк туманидаги Полохон қишлоғида яшовчи Бўри бахшининг жияни Назирой Қўзбобоевдан магнит тасмасига ёзиб олинган насрий баёнда: «Алпомиш беш ёшида савод чиқариб, олти ёшида солик илмини ўрганади. «Хатми кутиб» оқидан горга кириб, чилла тутайди. Чилла пайтида Алпомиш қошгага Қазрати Хизр бобо келиб: «Сен эл посбони бўласан, ўтда ёнмайсан, сувга чўкмайсан, курагинг ерга тегмайди», деб Алпомишнинг қопқоғига кафтини уради ва у ерда Хизр бобонинг беш панжасининг изи қолади», — шаклида ифодаланган.

Достоннинг Фарғона версиясида жой номлари, манзиллар маконига ақинлаштирилиб, воқеалар яқинлаштирилиб, билан уйғунлаштирилган.

Бўри бахши версиясида воқеа Алпомиш ўз укасини уйлантириш мақсадида Ўзган элига қилган сафари билан бошланиб, етти йиллик тутқундан

кейин хотини — Барчин тўйининг устига келиши, хотинининг қаҳрамонлик шартларини бажариб, унга ва ўз ҳокимиятига қайта эришиши тасвирланади.

Версияларнинг сюжетидagi фарқи шундаки, Фозил шоир версиясида Алпомиш қалмоқ хони Тойчиқон томонидан ҳўрланган қайночаси — Бойсарини қўтқариш учун Қашгалга сафар қилади. Бўри бахши версиясида Алпомишнинг сафарида қалмоқ хони буйруғи билан қўлга туширилиб, зиндонга ташланади. Бўри бахши версиясида «Ўзган хони Бойсарининг буйруғи билан банди қилинади. Шунингдек, бу версияда гоvзининг хабарчилиги, мерган ва унинг ораси билан боғлиқ лавҳалар учрамайди. Иккала версияда ҳам Ултантоз Алпомишнинг рақибни, ўзини-ўзи бий сайлагач, зуравон бўлиб, у Фозил шоирда Алпомишнинг ўғай укаси, Бўри бахшида эса унинг қулидир. Иккала версияда ҳам Алпомиш Барчиннинг қутилмаган тўйига қиёфасини ўзгартирган ҳолда кириб келади. Шу ўринда Бўри бахши версиясида оригинал бир лавҳа қўзга ташланади, яъни Барчин уни зуравонлик билан хотинликка олмоқчи бўлган Ултантоз олдига, биринчидан, сўйилган туяни қўта-

Набижон СОБИР суҳбатлашди.

ЮБИЛЕЙ ЭМБЛЕМАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Бадий академияси Фарғона вилоят ҳокимлиги билан биргаликда юбилей эмблемасини яратишга танлов эълон қилган эди. Унда мамлакатимизнинг кўпгина таниқли мусаввирлари, ҳаваскор расмчилари қатнашди. Танловга тақдим этилган лойиҳалар ичидан Ўзбекистон халқ рассоми, академик Қутлуг Башаров

Кратган рамз голиб деб топилди ва у республика ташкилий қўмитаси томонидан юбилей эмблемаси сифатида тасдиқланди.

Асарлари жаҳоннинг саксондан ортиқ давлатидаги музейларда, шахсий коллекцияларда сақланаётган расм Бегурий, Хоразмий, Навоий каби Шарқ мутафаккирларининг портретларини яратган. Аҳмад ал-Фарғоний юбилейи муносабати билан таниқли мусаввир шу кунлари Бадий академия ташкил этадиган кўргазмада иштирок этишга



катта тайёргарлик кўрмоқда. Қ. Башаров аллома ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи учта триптих яратяпти. Бу ҳам ижодкорнинг буюк ватандошимиз юбилейига муносиб совғаси бўлади.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.



ОҚЧАКЎЛ СОҲИЛИДАГИ ОРОМГОҲ




Ёз фасли бошланиши билан қарийб уч фасл — қўз, қиш, баҳорда ҳўвиллаб ётган болалар оромгоҳларига «жон» киради. Болаларнинг шўх кулгисига хайратларга тўла хайқирғига тўлиб кетади. Оқчақўл соҳилига жойлашган «Камалак» оромгоҳи бу йил ҳар қачонгидан гавжум. Бу масканда мавсум давомида Қорақалпоғистон Республикасининг Элиқалъа, Нукус, Тахиташ, Мўйноқ, Кўнгирот туманларидан келган 750 нафар болажон мириқиб хордиқ чиқаради. Денгизда чўмилиш, қайиқда сайр қилиш, ҳар хил қизикқарли ўйинлар, спорт мусобақалари ўтказиш уларнинг энг сеvimли машғулотлари ҳисобланади.

«Камалак»нинг келажаги порлоқ. «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда бу ерда «Камалак» болаларни соғломлаштириш ва ўқитиш халқаро маркази тузишни режалаштирганлар. Айни пайтда ушбу хайрли ишга дастлабки қадам қўйилди.

Суратқаш мухбиримиз Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган ушбу сурат-лавҳаларда «Камалак»нинг бир кўни акс эттирилган.



ЁШ КУТУБХОНАЧИЛАР ТАНЛОВИ



Навоийдаги «Наврўз» маданият саройида «Ёш кутубхоначи» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Уни вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси республика «Камолот» ёшлар жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этди. Унда шаҳар ва туман танловларида голиб бўлган 10 дан ортиқ ёш зиё тарқатувчи қатнашди. Қўриқда Қизилтепа тумани марказий кутубхонаси ходими Хадича Хўжамова голиб деб топилди. Энди у республика «Ёш кутубхоначи» кўрик-танловига қатнашди.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Сурхондарё вилояти Қўзғирот туманида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга жиҳдий эътибор берилётган. Туман марказида Мустақиллик байрами арафасида 60 ўринли замонавий шифохона, «Янгийўл» жамоа ҳўжамасида эса қишлоқ врачлик нуқтаи фойдаланишга топширилади. Қўриқда шунинг «Бунёдкор-26» ҳиссасдорлик жамияти жамоаси бажариб берди.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси «ЎзА матбуот» раёсатининг соhib биринчи ўринбосари Аскар Агаев ва АЛИЕВИНИНГ вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига кўчур тўғрисида изҳор қилади.

«Қишлоқ ҳаёти» газетирини жамоаси газетанинг иккинчи ҳаёти ва алоқат бўлими муҳбири Дилмурод Келпачев ва Қўзғирот туманидаги «Янгийўл» вафоти муносабати билан кўчур тўғрисида изҳор қилади.

ҚЎЛБОЛА АРОҚ ҚИЛАДИ ХАРОБ

Майхўрлардан бири пиёла тўла шаробни лабига яқинлаштириб, қаламипи чайнаб олганда, афтини буруштириди: қўлбола-ку, бу одамни но-бод қилади, бор, бошқасини келтири!

Уни Андижон шаҳридаги «Гулхў-Х» фирмаси бошлиғи Ш. Ҳайитовнинг хонаси қорхонасида тайёрлашган эди. Тадбиркори тушмағур қўлбола ароқ инсон саломатлигини учун қони зарар эканлигини била туриб, қалтис ишга қўл уради. Алкогол маҳсулотлар ишлаб чиқариш, акция марказларини қўлбакилаштириш, уларни тайёрловчи айлан-тириш ҳақидаги тартиб-қоидаларни назар-писанд қилмай, 434 ишга қўлбола

О.ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент давлат техника университети ва кон-технология факультети жамоалари «Гидрогеология ва муҳандислик геологияси» кафедраси муҳбири, доценти Музаффар НАЗАРОВНИНГ вафоти муносабати билан кўчур тўғрисида изҳор қилади.

Хусусий оқик акциядорлик-торжор банки «Али Жамол банк» жамоаси банк бошқаруви раиси Ҳамидулло НурмуллоевНИНГ вафоти муносабати билан кўчур тўғрисида изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўқуқий сули раёсатининг ва жамоаси Олий ҳўқуқий сули сулиси Бектўн ШомуродовНИНГ вафоти муносабати билан кўчур тўғрисида изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўқуқий сули раёсатининг ва жамоаси Олий ҳўқуқий сули сулиси Бектўн ШомуродовНИНГ вафоти муносабати билан кўчур тўғрисида изҳор қилади.

СПОРТ ОЛАМИДА НИМА ГАП?

ЛОНДОН
Буюк Британия 2002 йилда Япония ва Жанубий Корея давлатларида ўтказилиши кўзда тутилган футбол бўйича жаҳон чемпионатини қабул қилишга тайёргилигини эълон қилди. Бу таклифга Жанубий Кореянинг чемпионат вақтини олдатидаги июль ва июль ойларидан сентябрь ойига кўчиришни талаб қилгани сабаб бўлди.

Корея футбол федерацияси раҳбарининг айтишича, мамлакат об-ҳавони ўрганиш хизмати вакиллари олдига июль ва июль ойларида мамлакатда тинимсиз ёмғир ёғишини таъкидламоқда. Бу эса мусобақаларга салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан кореяликлар чемпионатни қўзғининг биринчи ойида ўтказиш мақсадида мувофиқ деб ҳисобламоқда.

Кўпчилик мутахассислар Корея молиявий инқироздан азоб чекаётгани сабаб-

ли чемпионатни ўтказиш билан боғлиқ барча оғирликларни Япония зиммасига юклаш ва шу йўл билан харажатлардан чекинишга уринмоқда, деган фикрни билдирыпти.

НЬЮ-ЙОРК
Америка баскетболи ҳаётида катта ўзгаришлар юз бериши мумкин. Сабаби — яқинда Миллий баскетбол уюшмаси чемпионати унвонини қўлга киритган «Чикаго Буллз» жамоасига янги мураббий этиб Тим Флойд сайланиши ва энг муҳими, нафақат АҚШ, балки бутун жаҳонда энг кучли баскетболчилардан, деб тан олинган Майкл Жордан баскетбол оламини тарқ этиши кўти-моқда.

Гап шундаки, Майкл Жордан илгари талабалар жамоасининг мураббийи бўлган Тим Флойддан кўра, «Чикаго Буллз»га бир неча йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган Фил Жексон билан ишлашни афзал



қўражагини таъкидлаган ва акс ҳолда жамоани тарқ этишини маълум қилган.

ГААГА
Европа Футбол ассоциациялари иттифоқи (УЕФА) раҳбарияти минтақаларо суперлига ташкил қилиш ҳақидаги таклифларга қаршилиқ билдирди.

Иттифоқ раиси Герхард Аignerнинг таъкидлашича, ҳозир Европа чемпионлари қубоғи мусобақалари бор. Бу энг обрўли мусобақа ҳисобланади. Шунинг учун янги лига тузишга ҳожат йўқ.

Маълумотларга қараганда, янги ташкил қилиниши мумкин бўлган лигада ўйнайдиган футбол жамоаларига нисбатан жазо чоралари қўлланилса, ажаб эмас.

(ЎзА)

ЛУҚМА

Шу йил 9 июль кўни Қаршидан Тошкентга бориш учун «Китоб-Тошкент» поезиди 21-вагонига чиқдим. Ўнда бошқа йўловчилар билан суҳбатлашиб кетдим. Улар билет олмасдан, вагон кузатувчисига 500-600 сўмдан бериб йўлга чиққан экан. Эътибор бериб қарасам, вагонда нари борса 9-10 кишининг чиптаси бор, холос.

ЧИПТА ОЛМАСАНГИЗ...

12 июль кўни Тошкентдан қайтар эканман, шу поездининг 9-вагонига ҳам худди шундай ҳолатни кузатдим. Чиптаси бор одамдан кўра, «вагон оғаси» билан «келишган» йўловчи кўп. Сабаби олдин: чипта олмасдан, унинг ярим пулини вагон кузатувчисига бериб, бемалол кетса бўлади.

Биз бозор иқтисодиёти шароитида яшаётимиз. Юқоридаги ҳолатдан, табиийки, темир йўл идораси — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси зиён қуради. Натижада чипта нархи ошаверади. Баъзи бир йўналишларда поездлар сони камайиши ҳам турган гап. Чипта нархининг кўтарилишидан эса вагон кузатувчилари манфаатдор.

Вагон кузатувчиларининг ишини назорат қилувчилар бу ҳолга берақ қараётгани кишини ажаблантиради.

А. ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Мираллимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир уринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худойеров, И. Шогўломов, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.



МУАССИСАЛАР
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Т — 0173, 34565 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган.
Қўзғирот бичими А-2
Газета ИВМ компьютерлаштилари ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан шифрланган.
Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан ибид материаллар қабул қилинмайди.

САНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров,
Навбатчи — Н. Топчев,
Мусалхх — Ш. Маширбаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди: 23.25 1 2 3 4 5 6